

Шайтоннинг инсон қалбига йўллари

10:17 / 27.03.2017 4204

Инсон қалби фитратан ҳидоятни қабул қилувчи, ундаги шаҳват ва ҳавои нафс эса уни бундан бурувчидир. Шу боис қалбдаги фаришталар ва шайтонлар қўшини ўртасидаги кураш доимийдир. Бу кураш оқибатида қўшинларнинг бири ғолиб бўлади ва қалбга ҳукмронлигини ўрнатади. Иккинчиси эса, баъзи-баъзида суқилиб киришга ҳаракат қилади. Аллоҳ таоло айтганидек, ((Инсон Аллоҳни эслаганда) чекиниб, (эсламаганда) васваса қилувчи (шайтон) ёвузлигидан)(Нос, 4). Бу шайтон Аллоҳ эсланганда бекинадиган шайтондир. Инсон ғафлатда пайтида эса, бемалол киради. Шайтонларни қалбдан фақатгина Аллоҳнинг зикри қувади. У зикр бўлган жойда тура олмайди.

Қалб ҳудди бир қўрғонга ўхшайди. Шайтон эса, қўрғонга кириб, унда ўз ҳукмини ўрнатмоқчи бўлган душмандир. Қўрғонни унинг эшикларини қўриқлаш билан асралади. Қўриқлашни билмаган киши уни асрай олмайди. Шайтоннинг кириш йўлларини билмаган киши эса уни қайтара олмайди. Шайтоннинг кириш йўллари ва эшиклари банданинг сифатларидир. Бу йўл ва эшиклар кўп бўлиб, биз уларнинг катталаригагина тўхталамиз.

- Унинг энг катта эшикларидан бири ҳасад ва ҳирсдир. Инсон бирор нарсага ҳирс қўйса, бу ҳирс уни кўру карга айлантиради. Шайтон йўлларини билладиган қалб кўзини тўсиб қўяди. Ҳудди шундай, агар кўп ҳасад қилувчи бўлса, шайтонга имкон туғилади. Ҳирсли кишига шаҳватига олиб борадиган барча нарсани, мункар ва ифлос бўлса ҳам, чиройли қилиб кўрсатади.
- Шайтоннинг қалбга кирадиган эшикларидан яна бири ғазаб, шаҳват ва қизиққонликдир. Ғазаб ақлни тўсади. Инсон ғазабланганда ундаги ақл қўшини заифлашади. Шунда шайтон ҳужум қилиб, инсонни ўз куйига ўйнатади. Ривоят қилишларича, иблис бундай дейди: “Инсон қизиққон бўлса, биз уни болалар коптокни ўйнатгандек ўйнатамиз”.

- Унинг эшикларидан яна бири уй, кийим-кечак ва жиҳозларни чиройли қилишни яхши кўришдир. Шайтон инсонни уйни обод қилиш, шифтлари, деворларини зийнатлаш, чиройли кийимлар кийиш, ҳашаматли жиҳозларни олиш билан банд қилиб, унинг бутун умрини шунда ўтказди.
- Эшикларидан яна бири тўқликдир. Тўқлик шаҳватни кучайтириб, ибодатдан чалғитади.
- Инсонлардан тамаъ қилиш. Инсон агар бир инсондан бир нарса тамаъ қилса, уни ўзида йўқ сифтлар билан мақтайди, тилёғламалик қилади, уни яхшиликка чақирмайди, ёмонликдан қайтармайди.
- Мол-дунёни яхши кўриш. Бу сифат қалбда ўрнашса, уни бузади. Нотўғри йўллардан бўлса ҳам уни топишга ундайди. Бахил, фақирликдан кўрқадиган қилиб қўяди. Натижада зиммасидаги ҳақларни ҳам адо этмайди.
- Инсон ақли етмайдиган Аллоҳ таолонинг зоти, сифатлари каби ишлар тўғрисида фикрлаши.
- Муслмонлар тўғрисида ёмон гумон қилиш. Ким бир муслмонга ёмон гумони билан ҳукм қилса, у тўғрида ҳар нарса дейди, ўзини ундан яхши билади. Бу унинг қалби кирлигидан. Мўмин узр излайди, мунофиқ эса, айб ахтаради.

Инсон ёмон гумонда қолмаслиги учун тухматли ўринлардан сақланиши лозим. Шайтоннинг ушбу йўлларида қалбни ёмон сифатлардан тозалаш билан сақланилади. Унинг онда-сонда қилдиган ҳужумларини Аллоҳ таолони зикр қилиш қайтаради.

Шайтон оч итга ўхшайди. Агар қўлингда ҳеч нарса бўлмаса, “кет” дейишинг билан кетади. Агар қўлингда бирор нарса бўлса, кетишига “кет” дейишинг кифоя қилмайди. Ҳудди шундай, шайтонга керакли сифатлардан холи қалбдан шайтон зикр билан кетади.

Ҳаво ғолиб бўлган қалбда зикр юзаки бўлади. Ич-ичидан чиқмайди. Шунда шайтон ўша жойда ўрнашади. Агар бунинг тасдиғини кўрмоқчи бўлсанг, шайтон намозингда ёдингга нималарни келтиришига қара!